

<https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.923>

BEHBUDI'S RELATIONSHIP WITH THE NATIONAL LANGUAGE ISSUE (on the example of articles in "Oyina" magazine)

Ё. Саидов

Бухоро давлат университети

профессори, филология фанлари доктори

М. Мамадалиева

Бухоро давлат университети

Лингвистика (узбек тили)

+998 90 511 3010

Аннотация. Мақолада Махмудхўжа Бехбудийнинг илмий-ижодий фаолиятида матбуотнинг ўрни қисман белгиланган, “Ойина” журналида chop этилган миллий тил масалаларига доир мақолалари батафсил таҳлил этилган, янги ўзбек адабий тилини шакллантириш ва тараққий эттириш бўйича қарашлари фактик материаллар асосида очиқ берилган.

Калит сўзлар: жади́дчилик, жади́д, матбуот, журнал, миллий тил, адабий тил, меъёр, лаҳжа, шева, қадимги туркий сўз.

Аннотации. В статье выявляется роль прессы в научной и творческой деятельности Махмудходжи Бехбуди, подробно анализируются статьи о государственном языке, опубликованные в журнале «Ойина» («Зеркало»), на основе фактических материалов раскрываются его взгляды на формирование и развитие нового узбекского литературного языка.

Ключевые слова: джадидизм, джадид, пресса, журнал, национальный язык, литературный язык, норма, диалект, древнетюркское слово.



Annotation. The article identifies the role of the press in the scientific and creative work of Mahmudhoja Behbudi, analyzes in detail the articles on the national language published in the magazine «Ойна» ("Mirror"), reveals his views on the formation and development of the new Uzbek literary language on the basis of factual materials.

Keywords: jadidism, jadid, press, national language, literary language, norm, dialect, ancient Turkic word.

Янги ўзбек шеъриятининг асосчиси Абдулҳамид Чўлпон ўзининг “Икки йўқотиш” номли мақоласида “отамиз” деб ҳурмат ва эъзоз, ғурур ва ифтихор билан тилга олган Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919) усмонли туркларнинг Аҳмад Мидҳати, татарларнинг Исмоилбек Гаспиралиси каби Ўрта Осиё халқларининг биринчи муаллимидир. У Туркистон жади́дчилик ҳаракатининг буюк раҳнамоси бўлиб, унинг ижодий меросида маориф, маданият, адабиёт муаммоларига оид мақолалар билан бир қаторда, ўзбек тили масалаларига доир мақолалар ҳам алоҳида ўринга эга. Адиб тил масалаларига бағишлаб 1913 йилда “Икки эмас, тўрт тил лозим”, 1914 йилда “Сарт сўзи маълум бўлмади”, 1915 йилда “Тил масаласи”, “Сарт сўзи мажхулдур” каби мақолаларни ёзди. Бу мақолаларнинг барчаси жади́дларнинг севиқли журнали “Ойна”да босилиб чиққан. Аёнки, мазкур ҳафталик журнал 1913-1917 йиллар орасида Самарқандда чиқиб турган ва унга Маҳмудхўжа Беҳбудий муҳаррирлик қилган. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли тил масалалари мавзусидаги мақолалар журнал саҳифаларида мунтазам бериб борилган. Бундан шуни англаш мумкинки, Беҳбудий тил масалаларига алоҳида эътибор билан қараган, бу масаланинг ижтимоий зарурлигини ҳис этган [7,16]. Адибнинг юқоридаги масалага бағишланган асарлари орасида “Тил масаласи” мақоласи ўзбек тили тарихининг XX аср бошларидаги хусусиятларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.



Аёнки, ўтган асрнинг бошларида Туркияда пайдо бўлган туркчилик ғоялари ва ҳаракатлари асосида тилни тозалаш, софлаштириш, соддалаштириш фикрлари майдонга келди. Усмонли турк тили луғатидан арабий, эроний ва бошқа ёт тилларга хос лексик бирликларни сиқиб чиқариш, соф усмонли турк адабий тилини шакллантириш мазкур ғоянинг асосий моҳият ва мазмунини ташкил этади. Араб ва форс тилининг кучли таъсирига учраган, инқироз ва турғунлик йўлига кириб қолган ўша даврдаги усмонли турк тилини ташқи таъсирлардан муҳофаза қилмасдан ва ягона адабий тилни шакллантирмасдан туриб, маорифни, маданиятни тараққий эттириб бўлмаслигини, умуман, миллатни, миллий ғурурни шакллантириш мумкин эмаслигини мазкур ғоя назариётчи ва амалиётчилари теран англаганлар.

Дастлаб Туркияда юзага келган ва ижтимоий-сиёсий тус олган тилни софлаштириш ва соддалаштириш ғоясининг географик ҳудуди кенгайиб, у XX аср бошларида Россия ва Кавказда яшовчи туркий тилда сўзлашувчи зиёлилар ўртасида ҳам кенг ёйилади. Татар жадидларидан эса Ўрта Осиё жадидлари ўрнатқиллар [7,48]. Натижада тил масаласи уларнинг ҳам диққат марказида бўла бошлади. Ягона адабий тилни шакллантиришнинг йўллари ва манбалари хусусидаги баҳс-мунозарали мақолалар матбуотда асосий ўринни эгаллади. Умуман олганда, ўша давр ўзбек жадид матбуотида тил билан боғлиқ қуйидаги муаммолар тўғрисида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди:

ўзбек адабий тилини софлаштириш, яъни арабий ва форсий ўзлашма сўзлардан тозалаш керакми ёки йўқми;

янги ўзбек адабий тили луғат таркибига унут бўлган қадимги туркий сўзларни қайта истеъмолга киритиш лозимми ёки йўқми;

замонавий ўзбек адабий тилини шакллантириш учун қайси манбага асосланиш керак: эски ўзбек адабий тилигами ёхуд маҳаллий шева ва лаҳжаларгами;



.....

ҳар бир ўзбек шева ва лаҳжа вакиллари учун алоҳида-алоҳида адабий тилни юзага келтириш керакми ёки барча ўзбек шева ва лаҳжа вакиллари учун ягона адабий тилни шакллантириш лозимми;

ягона ўзбек адабий тилини шакллантиришда қайси шева ёки лаҳжага асосланиш керак;

бадий асар ва матбуот тилини соддалаштиришда қандай меъёрларга амал этиш лозим;

ёзма тил (бадий асарлар ва матбуот тили) қайси манба асосига қурилиши керак: адабий тил меъёрларигами ёки "ўрам" (кўча), яъни халқ жонли сўзлашув тили хусусиятларигами.

Ўз замонасининг ҳар бир етук зиёлиси бу масалаларга оид муносабати ва қарашларини омма олдидаги чиқишларида, газета ва журналлардаги мақолаларида ифода этишди. Беҳбудий томонидан "маънан, моддатан ва фаннан маҳкум миллатларнинг тили" [1,187], Фитрат томонидан "дунёнинг энг бахтсиз бир тили" [5,124] ва Чўлпон томонидан эса "анча камбағал ва ҳали ишланиб етмаган тил" [6,64] деб баҳоланган ўзбек тилининг тақдирига даврнинг ҳар бир зиёлиси бефарқ бўлмади. Туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили «ўзини араб, форс тилларидан қутқара олурму, йўқми?» [5,127] деган масала хусусида ҳамма ўйлай бошлади. Этник тил софлиги назарияси илгари сурилди, тилни тозалашга оид турли фикрлар айтилди, муносабатлар билдирилди. Бир гуруҳ зиёлилар, чунончи, Фитрат, Чўлпон, Элбек кабилар ўзбек тилини арабий ва форсий сўзлардан тозалаш ва уни софлаштириш шарт ҳамда бу ишни амалга ошириш мумкин, деган фикрни илгари суришди. Улар ижтимоий-сиёсий, илмий-адабий фаолиятларининг илк босқичиданоқ адабий тилни тараққий эттириш учун унга онгли равишда аралашиниш лозимлигини теран англаб етган эдилар. Шу боис улар тилга оид масалаларни сиёсат даражасига кўтардилар, миллий тилни шакллантириш учун зудлик билан муҳим мақсад-вазифаларни белгилаб олдилар. Тил сиёсатида турли шакл ва мазмундаги ислохотларни ўтказдилар, лингвистик дид (тил эстетикаси) борасида туб ўзгаришларни



.....

амалга оширдилар. Маълумки, адабий тил тараққиётида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар ташқи омил, лингвистик дид (тил эстетикаси) эса ички омил ҳисобланади. Улар мазкур омиллардан ички омил — лингвистик дидга алоҳида диққат қаратдилар, ижтимоий лингвистик дидни шакллантириш ва ривожлантириш учун маълум ғояларни илгари сурдилар, ўзбек адабий тили таркибидаги арабча ва форсча сўзларни сиқиб чиқариш учун қаттиқ ҳаракат қилдилар.

Бошқа бир гуруҳ зиёлилар, чунончи, Маҳмудхўжа Бехбудий, Ҳожи Муин кабилар эса ўзбек тили учун ислоҳ лозимлигини, аммо унинг тўла ислоҳи учун асрлар кераклигини, бу масалада шошма-шошарликка йўл қўймасликни, ижтимоий давр учун адабий тилни тозалашдан кўра маданиятни, илму фанни тараққий эттириш, бунинг учун тараққий этган халқларнинг тиллари (чунончи, араб, инглиз, рус тиллари)ни ўрганиш муҳимроқ вазифа эканлигини таъкидлашди. Бехбудий тил соҳасида жади́дларга ҳамфикр бўлса-да, бу борада ўз қарашларига эга эди [3,40]. У арабий ва форсий сўзларни ўзбек адабий тилининг луғат таркибидан сиқиб чиқариш ҳаракатига унча хайрихоҳ бўлмади. Унинг фикрича, мазкур сўзларни ўзбек тилининг қурилиши тизимида мослаштириш керак ва кун тартибидаги муаммони фақат шу йўл билан ҳал этиш мумкин: “Арабий исмлар жамланганда, туркча жамлансун. Масалан, *фунун, уламо, қуззот* демоқ еринда *илмлар, олимлар, қозилар* ёзингиз” [2,183].

Бехбудий туркий халқлар ўн икки аср давомида дин манбаи ва Қуръони карим тили бўлган араб тили таъсирига учраб, ундан жуда кўп сўзларни ўзлаштирганликларини, туркий тилларнинг луғат таркибида мазкур тилга хос лексик бирликларнинг тутган ўрни алоҳида эканлигини, шу боис мазкур сўзларни сиқиб чиқариш ҳаракати мантиқан тўғри эмаслигини қайд этади. Бехбудий фикрича, форсий қатламдаги анчагина сўзлар ҳам туркий халқларнинг онги, шуури ва ҳаёт тарзига шу қадар сингиб кетганки, уларни туркий шева ва лаҳжа вакиллари тилидан чиқариб ташлашнинг ҳеч бир иложи йўқ. Ўзлашмаларнинг яна бир гуруҳининг эса туркийча “муродифи”



(маънодоши) ва муқобили халқ тили ҳамда адабиётидан йўқолганлигини таъкидлайди. Бунга “шанба, якшанба, душанба, сешанба, чаҳоршанба, панҷшанба, одина (жума)” каби ҳафта кунларининг номини мисол қилиб келтиради.

Маълумки, *меҳмон* сўзи форсча-тожикча, унинг қадимги туркийча муқобили *қўноқ*дир. Бу сўзларнинг қайси бирини адабий тилда қўллаш керак? Беҳбудий бунга қуйидагича жавоб беради: «Баъзи афандилар меҳмонни “қўноқ” дейилсун деб таклиф этарлар. Ҳолбуки *қўноқ* деганда, бир турк фаҳмлайдур. *Меҳмон* деганда турк фаҳмлагани устида, яна бир форсий мусулмон қариндошимиз-да англайдур”. Беҳбудий этник ва тил хусусиятларини бу ўринда эътиборга олмайди. Беҳбудий қарашларида миллат тушунчаси дин билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун у “қўноқ” сўзидан кўра “меҳмон” сўзини қўллашга хайрихоҳлик билдиради. Унинг фикрича, миллат диний нуқтаи назардан таърифланиши керак. Ўрта Осиёда яшовчи ўзбек ва тожик халқини умумий бир номда «мусулмонлар», уларнинг тилини эса «мусулмон тили» деб ифодалайди. «Туркий» ва «форсий» атамаларини қўллашга мутлақо қарши бўлган. Беҳбудий аҳолини у гапирадиган тилига кўра миллатларга ажратиш сиёсатини кескин қоралайди. Унинг бу борадаги қарашлари нақадар тўғрилигини давр кўрсатиб турибди. Россия ҳукумати шу йўл билан мазкур ҳудудда бир неча асрлар давомида қон-қариндошлик ришталари маҳкам боғланган аҳолини бўлиб юборишга эришди [3,36]. Беҳбудий ўз мақоласида тилни софлаштириш мураккаб иш эканлигини, бунини амалга ошириш қийинлигини кўп бора таъкидлаб ўтади: “Тилимиздан форсий ва арабийни қувайлук”, бу кўп енгил орзу, аммо ижроси мумкин эмас орзулардандур”. Адибнинг ушбу фикридан англашиладики, у мазкур ишнинг амалга ошишига ишонмайди.

Беҳбудий қадимги туркий сўзлар, чунончи, *қўнуқ* (меҳмон), *қапуғ* (эшик, дарвоза), *йағи* (душман), *памуқ* (пахта) кабиларни арабий ва форсий сўзлар ўрнида истеъмолга киритишга қарши фикр билдириб, қуйидагиларни ёзади:



.....

“Қадим чиғатойча, мўғулча, ўрхунча ва сахройи тилларни тиргузган ила на фойда? Ва у тилларга қаю илму фанлар бор? Ҳозирги сўзимизга қўшулган форсий ва арабий сўзлар бизни арабу форсга бир даража яқин этар, илму фан китоблариға яқинлашмоқимизга восита бўлур”. Англашиладики, у икки тиллилик масаласини очикдан очик ёқлаб чиқади. Соф тиллилик тарафдори бўлган юртдошларини пуристлар (тилда софлик тарафдорлари) сифатида қоралайди. Туркий ва форсий тиллар Ўрта Осиё халкларининг она тиллари мақомида, уларнинг асосий мулоқот тиллари бўлиши кераклигини таъкидлайди. Мазкур тилларни бир тилдек, яъни «мусулмоний тил» деб қарайди [3,42]. Шу боис «Ойна» журналинини мазкур тилларда нашр эттиради. Араб ва рус тиллари илм-фан тили бўлгани учун уларни хорижий тил сифатида ўрганиш шартлигини уқтиради.

Даврнинг тил билан боғлиқ муҳим, аҳамиятли масалаларидан яна бири янги, замонавий адабий тилни шакллантириш эди. Зиёлилар томонидан мазкур масалалар бўйича ҳам турли ғоя ва фикрлар илгари сурилди. Уларнинг бир гуруҳи шева ва лаҳжаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, уларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида адабий тилни шакллантириш керак деса, бошқа бир гуруҳдагилар (Фитрат, Чўлпон кабилар) эса чиғатой тили, яъни эски ўзбек адабий тили анъаналари ва хусусиятларини давом эттириш, шу асосда адабий тилни тараққий эттириш фикрини баён этишди. Беҳбудийнинг эса бу борадаги нуқтаи назари улардан фарқ қилади. У барча ўзбек халқ шева ва лаҳжа вакиллари учун ягона адабий тилни ва унинг заминида миллий тилни шакллантириш фикри билан майдонга чикди, шевачиликка йўл қўймаслик учун курашди. Миллий тилнинг ташкил топиши, ривожланиши, умуман мавжуд бўлиши ягона адабий тилга бевосита боғлиқ ижтимоий ҳодиса эканлигини Беҳбудий яхши англаган.

Адабий тилни соддалаштириш масаласида ҳам давр зиёлилари турли нуқтаи назарга эга эдилар. Баъзилар (Фитрат, Чўлпон, Элбек, Боту кабилар) уни соддалаштириш тарафдори бўлиб фикр билдирган бўлса, айримлар (Беҳбудий,



.....

Ҳожи Муин кабилар) эса унга қарши чиқишди. Содда тил нима учун керак, деган саволга Бехбудий қуйидагича жавоб беради: “Атрофиндаги қавму қариндоши илан сўйлашмоқ учун”. Адабий ва илмий тил нимага керак, деган саволга эса: “Мавжуд илму фан ва тарихни билмоқ ва алардан фойдаланмоқ учун”, — деб жавоб беради. Бехбудийнинг ушбу фикридан шуни англаш мумкинки, у адабий тил анъаналари ва хусусиятларини давом эттириш тарафдори, уни соддалаштириш, халқ жонли сўзлашув тилига яқинлаштиришга мутлақо қарши. Бехбудий назарича, адабий тилни соддалаштириш йўли билан эмас, балки бошқа омиллар асосида тараққий эттириш керак. У бу омилларни кўрсатиб ўтади:

1. Илму фанни ривожлантириш асосида адабий тилни тараққий эттириш лозим.

2. Бутун халқни, айниқса, оналарни илмий, бадиий, диний, тарихий асарларни ўқишга жалб этиш орқали адабий тилни ривожлантириш керак.

Бехбудийнинг фикрича, матбуот тилида лаҳжа, шева, умуман, оддий сўзлашув тилига хос хусусиятлар қўлланмаслиги лозим. Айниқса, илмий, адабий, таълимий, тарбиявий ва диний асарларни “сирф (соф) авом тилига ёзмоқ мумкин эмасдур”. У маълум диалектга хос бўлган, фақат айрим тўда, гуруҳ тилида қўлланиладиган, оммалашмаган сўз ва ибораларни адабий тил истеъмолига олиб киришни қатъий рад этади.

Умуман, мазкур мақолада Бехбудийнинг адабий тилга, уни софлаштириш ва соддалаштиришга, шева ҳамда лаҳжаларга бўлган муносабати ёрқин ифодаланган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Бехбудий ва бошқа жадиждларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида XX аср бошларида ўзбек миллий тили шаклланди.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бехбудий. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 1999. -278 б.
2. Бехбудий. Тил масаласи. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 1999. –Б. 183-189.
3. Ингеборг Балдауф. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар.-Т.: Маънавият, 2001. -69 б.
4. Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917) (тузувчи Н.Абдуазизова). –Т.: Академия, 2000. -238 б.
5. Фитрат. Тилимиз. Танланган асарлар. V жилдли. (нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев). –Т.: Маънавият, 2006. IV жилд. –Б.124-131.
6. Чўлпон. Адабиёт надир. –Т.: Маънавият, 1994 -237 б.
7. Қосимов Б. ва бошқ. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Т.: Маънавият, 2004. -461 б.

